

“НУР БОРКИ, СОЯ БОР” РОМАНИДА ФОНЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ОБРАЗ ЯРАТИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Санобар УЛЛИЕВА

мустақил изланувчи

Урганч давлат университети

Урганч, Ўзбекистон

ullievasanobar@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада Ўткир Ҳошимовнинг “Нур борки, соя бор” романидаги бадиий матн оҳангдорлиги, ички хаяжон, хурсанд бўлиш, хафа бўлиш, розилик, таажжуб, ялиниш, ҳайратланиш, киноя, пичинг, кесатик, олқиш, сўроқ, таъкид, қоникмаслик, норозилик, тилак-истак, қуллаб-қувватлаш каби ҳолатларни тасвирлашда қўлланган фонетик воситалар ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, роман персонажларининг руҳий ҳолатларини ифодалаш учун ишлатилган ассонанс, геминация ҳодисалари, ундош товушларнинг такрорига асосланган аллитерация ҳодисалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: фонетик воситалар, геминация, ассонанс, унли товушлар, ундош товушлар, бадиий матн, образ, аллитерация.

ЗНАЧЕНИЕ ФОНЕТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ В СОЗДАНИИ ОБРАЗА В РОМАНЕ «СВЕТ НЕ БЕЗ ТЕНИ»

Санобар УЛЛИЕВА

независимый исследователь

Ургенчский государственный университет

Ургенч, Узбекистан

ullievasanobar@gmail.com

Аннотация

В данной статье рассматриваются фонетические средства, используемые для описания внутреннего состояния, волнения, радости, печали, согласия, удивления, мольбы, сарказма, несогласия, недовольствия, желания персонажей в романе Уткира Хашимова “Свет не без тени”. Также анализируются явления ассонанса, геминации, аллитерации, использованные писателем для выражения душевных состояний образов романа.

Ключевые слова: фонетические средства, геминация, ассонанс, гласные, согласные, художественный текст, образ, аллитерация.

Маълумки, бадиий матн мукамаллиги унинг лексик-грамматик тил қонуниятларига асосан яратилганлиги, муаллифнинг бу борадаги савияси ҳамда тилнинг экспрессив вазифасини ёритиб бера олганлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб таҳлил қилинади. Замонавий тилшуносликнинг

лингвопрагматика, когнитив тилшунослик, психолингвистика каби йўналишлари матн таҳлили, унинг эмоционал табиати хусусида тилшуносликнинг лексик-фразеологик, синтактик, фонетик, морфологик сатҳлари юзасидан изланиш олиб боради. Хусусан, бадий матн оҳангдорлиги, ички ҳаяжон, хурсанд бўлиш, хафа бўлиш, розилик, таажжуб, ялиниш, ҳайратланиш, киноя, пичинг, кесатик, олқиш, сўроқ, таъкид, қониқмаслик, норизолик, тилак-истак, қуллаб-қувватлаш каби ҳолатларни тасвирлашда фонетик қонуният етакчи ўринда туради.

Бадий матнни юзага келтиришда товуш, урғу каби фонетик воситаларнинг аҳамияти, матннинг таъсир доирасини белгилашга хизмат қилувчи фонетик бирликларнинг коннотатив вазифаси нафақат тилшунослар, балки поэтика вакиллари ҳам ўйлантриб келувчи масалалардан бири ҳисобланади. Аристотел ўзининг поэзия санъатига бағишланган асарида нутқ воситаларидан бири сифатида товушларни келтиради ҳамда уларнинг бадийлиги, бадий матнни юзага келтиришда қисқарган ва чўзилган сўзларнинг вазифаси, шунингдек, товушларнинг роман-герман тилларида учрайдиган род категориясини ҳосил қилишдаги табиати ҳақида тўхталиб ўтади [1]. Буюк туркий ижодкор, адабиётшунос А.Навоий ҳам бадий ижодда товушларнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, туркий адабиётда туюқ жанрининг ҳосил бўлиши ҳақида маълумот келтиради [5].

Туркий тилларда сингармонизм ҳодисасининг барқарор эканлиги, бадий матнни шакллантиришда фонетик воситалардан фойдаланишдаги услублар мумтоз ва замонавий адабиётда кўплаб адабий жанрлар, бадий санъатларнинг юзага келишига, матн мусиқийлигини таъминлашга хизмат қилган. Араб халифалиги босқинидан кейинги адабий муҳитда Ислом дини таъсирида шаклланган поэзияда, адабий-назарий қарашларда сўзларнинг фонетик табиатини ўрганишга бўлган талаб янада кучайди. Товушларнинг сифатига асосланган аруз шеърӣ тизимининг Марказий Осиё адабий муҳитига кириб келиши асносида мисрага киритилган ҳар бир товушга алоҳида урғу берилиши, ушбу борадаги назарияларнинг шаклланишига асос

бўлди. Замонавий адабиётшунослик илмида ҳам аллитерация (ундошлар такрори), ассонанс (унлилар такрори), геминация (ундошларни қаватлаш) каби кўпаб фонетик усулларнинг бадиий матн мазмунини бойитиш, таъсирчанлигини ошириш, асар оҳангдорлиги, муסיкийлигини ошириш, персонажларнинг ташқи ва ички ҳолатини очиб беришдаги аҳамияти ўрганилмоқда.

Тилшуносликнинг ушбу масалаларга бағишланган фоностилистика, фонографик стилистика бўлимларига оид қарашлар ўтган асрнинг 40-50-йилларида тилшунос А.Ғуломов томонидан илгари сурилган. Тилнинг барча ярусларида бўлгани сингари фонетик воситаларда ҳам стилистик имкониятлар мавжуд, нутқ жараёнида иштирок этадиган фоностилистик ресурслар матн комплексидаги лексик-фразеологик ва грамматик воситалар англатадиган семантик-стилистик воситалар кўламини кўшимча оттенкалар билан кенгайтиришга, айнан муаллиф кўзда тутган ифоданинг шаклланишига хизмат қилади [3]. Шунингдек, муаллиф ўзбек тили фонетик стилистикасига бағишланган мазкур монографиясида фоностилистика ва унинг тилшунослик учун аҳамияти, ўрганилганлик даражасига муфассал тўхталган.

Фонетик воситалар – нутқ товушлари, урғу, оҳанг, тон, товуш тембри, график воситалар – ҳарфлар, тиниш белгилари, уларнинг ранг-баранг ёзилиши, фонографик стилистика ёзма нутқнинг ўзига хос услубий имкониятларини яхлит ҳолда ўрганувчи график стилистиканинг таркибий қисмидир. График стилистика олдида икки асосий вазифа туради: а) оғзаки нутқнинг фонетик таъсирчан воситаларининг ёзма нутқда акс эттирилиши; б) ёзма нутқдаги фақат унга хос бўлган тасвирий-ҳиссий (таъкидлаш, бўрттириш, ҳодиса аҳамиятига диққатни жалб қилиш ва ҳ.к.) воситаларини ўрганиш. Бу вазифалардан биринчиси фонографик стилистикада ўрганилади. Бадиий асар тилининг энг муҳим белгилари образлилик ва эмоционаллик экан, бу хусусиятларни нутқий воситалар юзага чиқаради. Бадиий матнни таҳлил қилиш жараёнида фонетик бирликларнинг эстетик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Фонографик воситаларнинг асарнинг

эстетик таъсир кўламини белгилашдаги ўрни, муаллифларнинг ушбу тил воситаларидан фойдаланишдаги маҳоратини аниқлаш фоностилистиканинг тилшунослик ва адабиётшунослик фанлари учун ҳам бирдек аҳамиятли эканини кўрсатади.

Бадий матннинг лингвопоэтик таҳлили, хусусан, фоностилистик таҳлили наср ва назмда бир хилда кечавермайди. Шеъринг матннинг оҳангдорлиги, мусиқийлиги тадқиқ этишда фонографик воситаларнинг аҳамияти яққол намоён бўлади ҳамда бу борада қилинган ишлар ҳам бир қадар салмоққа эга [2], аммо эпик планда яратилган асарларда фонетик воситалар, уларнинг асарнинг эмоционал-экспрессив таъсирдорлигида тутган ўрнига бағишланган ишлар ҳажми кам сонлидир. Зеро, Чингиз Айтматов сўзлари билан айтганда, “ёзувчи санъатининг кишиларга эмоционал-маънавий таъсири кучи ўша ёзувчининг бадий таланти ўлчови” [4] экан ушбу масала тилшунослар ва адабиётшунослар олдига қўйилган муҳим масалалардан бири эканлиги ойдинлашади.

Атоқли адибимиз Ўткир Ҳошимов асарларини таҳлил қилар эканмиз, унинг бадий матнда фонетик воситалардан фойдаланиш услубида, нафақат, меъёрни сақлай олгани балки, биров тежамкорлигини ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, адибнинг “Нур борки соя бор” романида унли, ундош товушларнинг такрорланиши, унли товушларининг чўзиқ, ундош товушларнинг иккиланиши каби ҳолатларнинг нисбатан кам ўринларда қўлланиши асарга залворли бир рух бағишлайди.

Товушларни услубий қўллаш билан боғлиқ қонуниятларни ёзувда “айнан” ифодалаш имконияти чекланган. Бироқ, талаффуз ва баён мувофиқлигига фонографик воситалар ёрдамида эришиш мумкин. Бу усул орқали асарнинг эстетик таъсири кучайтирилади. Шунингдек, ҳар бир образ нутқида ўзига хос интонация қўлланиши образнинг маънавий қиёфасини очиб беришга хизмат қилади. Замонавий адабиёт, хусусан, модерн адабиётида ҳам муаллиф қаҳрамоннинг ташқи кўриниши-ю ички руҳий оламини тасвирлаш учун узундан узоқ таърифу тавсифлар келтириб

ўтирмайди, балки қаҳрамоннинг нутқи орқали унинг “ким” эканлиги ойдинлашади. Шу жиҳатдан фонетик воситаларнинг асар таркибидаги бадиий образни шакллантиришга хизмат қилувчи вазифасини ўрганиш ҳам фоностилистиканинг асар таҳлилида тутган аҳамиятини белгилаб беради. Зеро образни жонли муҳитга киргизиш, унинг йиғлаши, кулиши, қувончи, ачинишини, ёхуд унинг ташқи қиёфасини ўта бўрттириб тасвирлашда унлиларни чўзиш, ундошларни қаватлаш, товушларни такрорлаш, сўзларни нотўғри талаффуз қилиш, товуш орттириш ёки товуш тушириш каби фонетик усуллар хизмат қилади.

Фонетик воситаларнинг бадиий матндаги аҳамияти турли тасвирий, эмоционал ҳолатларни очиб бериш экан, ушбу воситанинг қўлланиши бевосита персонаж нутқи билан боғлиқ ҳолда кечиши табиий. Қаҳрамоннинг ҳайратланиши, киноя, қочириққа мойил ҳолати ёки жаҳли чиқиши бевосита унинг нутқида намоён бўлувчи ҳодисадир. Асарда унлиларнинг чўзиқ талаффуз қилиш, ассонас ҳодисаси орқали персонажнинг куйидаги руҳий ҳолатлари ёритиб берилган:

1. *Персонажнинг кинояли, фикрининг тасдигини ифодалаши ҳолати:*

«Ух, у! Димоғ масаласи жуда баланд-ку! Кун буйи жойни сақлаб туришигани бежизмас экан шекилли». Шерзод мийиғида кулиб қўйди.

2. *Персонажнинг ҳайратланиши ҳолати:*

Йўғ-э! - деди Сирожиддин билан ёнма-ён утирган Домла унинг ниятини фаҳмлагандек, кўзларини сузиб.

3. *Персонажнинг жаҳлдор ҳолати:*

- Вой ўлси-и-ин! Ҳали нима девдим? Эсиз сервизларим! Хаммасини синдириб адо қилишди-ку, булар!

- Падар лаънати қур-эй! - Раис бува лаби титраб сўкинди. - Ҳалиям колхоздан кўчириб юбормаганимга шукур қилсин кўр қори!

4. *Персонажнинг хушайфиятдаги ҳолати:*

- Оббо сиз-эй! - деди кулгидан энтикиб. - Нима қилсаям шоирлар гап ўғриси бўлади-да, а! Оббо местний кадр бўлмай ўлгур-эй!

5. Персонажнинг азабланган ҳолати:

- Ўхў» тилинг бурро-ку жуда! - У таҳдид билан Шерзоднинг рўпарасига келди. - Шуларнинг ҳаммасини чиндан ёзмоқчимисан?!

6. Персонажнинг аччиқланган ҳолати:

- Даданг ўлган! - деди ойиси азабдан кўзлари қисилиб. - Ўли-и-б қолган. Билдингми? Яна сўрайдиган бўлсанг, тилингни суғуриб оламан!

А.Ғуломов товушларнинг такрорланиши – иккиланиши унлиларда ҳам, ундошларда ҳам учрашини, унлиларда бу ҳодиса, одатда, узун унли ҳосил қилишини айтади. Унли товушларнинг такрори образ нутқи орқали унинг муайян давр оралиғидаги қиёфаси тасвирининг таъсирчалигини оширса, ундош товушларнинг қўшалок ҳолда келиши, геминация ҳодисаси, тасвирни бўрттиришга хизмат қилган.

Гемината/қўш ундош, геминация/қўш ундошлилик атамалари кетма-кет келган айни бир типдаги ундош (катта, омма, аччиқ), икки айни бир хил ундошли ҳолатнинг юзага келиши (уччида, теппасида) тарзида изоҳланган. Шунинг билан бирга, тилшуносларимиз томонидан ҳар қандай бир хил ундош товушнинг ёнма-ён ёки кетма-кет келиши ўзбек тили учун меёрий ҳолат саналиши ва у фоностилистикада аҳамият касб этмаслиги таъкидланган. Аммо нутқ жараёнида муайян мақсад кўзланган ҳолда, орфографик ва орфоэпик меъёрлар бўзилиб, айни бир ҳолат юзага келтирилса ҳамда бунинг натижасида экспрессивлик вужудга келса, у стилистик аҳамият касб этиши, геминация туфайли жумла қўшимча оттенка олиш – ўрин маъноси кузатилиши, унга алоҳида эътибор қаратилиши [6] ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилади. Геминацияда кузатилган сўз ўзи иштирок этган гапнинг мазмунини, эстетик таъсир қувватини оширишга, образнинг муайян даврдаги қиёфасини шакллантиришга хизмат қилади:

“Шерзод шуларни уйларди-ю, ҳаммадан баландроқ қаҳ-қаҳ уриб куларди. Шуларни ўйларди-ю, қўлидаги қадаҳни ҳаммадан қаттиқроқ жаранглатарди. Қизиқ, у дарров маст булиб колди”.

Геминациянинг стилистик мақсадга кўра қўлланиши юқоридаги каби фонетик ҳодиса сифатида ҳам кузатилади. Ушбу ҳолатда ҳам у ўз вазифасини, эмоционал таъсирни ошириш, тасвирни бўрттириш вазифасини бажара олади. Дастлабки ўринда “ҳаммадан баландоқ куларди” бирикмаси орқали персонажнинг изтиробдаги руҳий ҳолати, аламли кулиши тасвири бошланса, кейинчалик эса айнан шу усул орқали унинг ҳатти-ҳаракатларида ҳам “ўзгачалик, ортиқчалик” кузатилаётгани кўрсатилади. Кейинги жумланинг “қизиқ” кириш сўзи билан бошланиши персонажнинг “ўзида эмас”лигини кўрсатса, “дарров” унинг воқеа-ҳодисаларнинг кечишини англай олмаётганига ишора сифатида хизмат қилади. Асарда бундай ўринларни кўплаб кузатиш, таҳлилга тортиш мумкин:

“Шерзод турган жойида қалтирар, пешанасидан совуқ тер чиқиб кетган, алланима томогини хиппа бугиб қўйган эди. Сирожиддин катта йулни кесиб ўтгунча Шерзод унинг изидан қараб тўрди. Шундагина кўчанинг нариги бетида бақатерак соясида турган «Волга»ни кўрди.

- Итвачча! - деди у энди тилга кириб”.

Парчада геминация ҳодисасига учраган сўзнинг “Ўзбек тилининг изоҳли луғатида иккита маъноси келтирилади: 1. *Батамом, узил-кесил.* 2. *Жон-жаҳди билан, бирдан*”. Парча мазмунидан унинг биринчи батамом, узил-кесил маъносида келаётганлиги англашилади. Адиб, бу ўринда айнан шу сўзни қўллаши, сўздаги кўш ундошлик фонетик қонуният асосида ёзилган бўлсада тасвирнинг жонли чиқишига, тасвирнинг ўткирлигига зарача таъсир кўрсатмайди, натижада образнинг руҳий зўриққан, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни англаб етишга қодир бўлаолмаган дақиқалик бир ҳолати тасаввурга келади. Парча якунида қўлланган вулгаризмга оид атама эса китобхон онгида шаклланган образ қиёфасининг умумий кўринишига якун

ясайди. Геминация ҳодисасида ҳам худди унли товушлар такрорида кузатилган персонажларнинг муайян руҳий ҳолатлари:

1. *Ҳайратланиш:*

“«Оббо, пишиб қопти-ю», уйлади Шерзод, ҳамон чой қайтараркан. У Сайфи Соқиевичнинг каравоти остида думалаб ётган иккинчи шишани энди кўрди. «Бирпасда шунчани ичишган бўлса, иштаҳалари чакки эмас-ку!»

2. *Таъкид:*

“Иккинчи сен ҳам банниса бетини кўрмагин биз ҳам баннисага қатнамайлик, омин! – шундай деди-ю, ташқарига караб бақирди. - Қани, опкелмайсанми, хой!”

3. *Ғазаб:*

“У стол устидаги бир даста косани олиб ерга улоқтирди, - ўзларинг ифлоссан! Ҳамманг, ҳамманг бир гўрсан!” каби ҳолатлар ҳам кузатилади.

Ундош товушларнинг такрорига асосланган фонетик ҳодисалардан бири *аллитерация* ҳодисасидир. Аллитерация ҳодисасига Д.Қуроновнинг “Адабиётшунослик луғатида” куйидагича таъриф берилади: “шеърӣй нутқда (насрда нисбатан кам) бир хил ундош товушларнинг такрорланишига асосланган ифодавийликни кучайтирувчи восита, такрорнинг фонетик сатҳдаги кўриниши. Аллитерация шеърнинг алоҳида сатри ёки мисрадаги сўзлар гуруҳини фоник жиҳатдан ажратади, натижада уларнинг ифодавийлиги ортади, шеърнинг мусиқийлиги, хушоҳанглиги кучаяди... Мисрадаги сўзлар таркибида бир хил ундошларнинг такрорланишига асосланган аллитерация кўзга унчалик яққол ташланмайди, лекин улар яққол “эшитилади”: улар шеърнинг мусиқийлигини оширади, хушоҳанглик орқали эстетик таъсирни кучайтиради” [6]. Товушлар замиридаги оҳангдошлик, мусиқийликка асосланган бу усул қадимдан Шарқ шеъриятида кенг қўлланилиб келинган. Кўҳна бадииятшунослик («илми бадеъ»)да аллитерация «тавзиъ санъати» деб юритилган. Адиб ушбу асарида аллитерациянинг соф (тўлиқ) шакли кам учраса-да, тўлиқсиз шаклини

қўллаш орқали муаллиф поэтик оҳанграболик билан бир қаторда тасвирнинг таъсир кучини оширишга, музиқийлигини таъминлашга эришади:

“Ш” товуши такрори. “Кўринишидан у элик ёшлардан ошган, устарада қиртишланган бошига мошранг бахмал дўпти кийиб олган, юзлари шийинқираган, кўзларининг ости салқиб турар эди”.

“Т, Р” товуши такрори. “...Қилич Валиевнинг бир туки ҳам ўзгармади, стол қиррасига тирсагини тираганча индамай ўтираверди”.

“Қ” товуши такрори. “Унинг озгин чехраси, қимтилган юқа лабларида алақандай қатъият бор...”

Парчага муфассал тўхталинса, товушларда юз берувчи аллитерация ходисаси персонаж характери билан уйғунлик касб этиши сезилади. Товушларни ҳис этиш, уларнинг ранг-баранглигини кўра олиш ижодкорнинг руҳий олами, ташқи оламга муносабатидан юзага келади. Инсон ва товуш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу жуда қадимга бориб боғланиши аниқ. Ҳатто, юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту яшаган замонлардаёқ сўзнинг талаффузи ва унинг ёзувдаги акси мутафаккирлар эътиборини жалб қилган. Улар сўз таркибига сингиб ўзига хос маъно ва оҳанг касб этиб улгурмаган ҳарфларга ҳам ўзгача мазмун беришга интилишган:

[р] ҳарфи-тезликнинг, шиддатнинг рамзи;

[л] ҳарфи- виқорнинг, силлиқликнинг;

[и]-хурсандчиликнинг;

[у], [д], [р] товушлари даҳшатнинг;

[м], [н] товушлари назокатнинг рамзи сифатида акс эттирилган.

Парча мазмунидан келиб чиқиб эса {к}, {т} товушлари қатъиятнинг рамзи сифатида тасаввурга ўрнашади. Асарда бундан ташқари *ранго-ранг оханг, тўйда суйиладиган қўй, икки буклаб, қора оққуш, кўнгли зил кетди, зумрад нуқралар, киприкларини пирпиратиб* каби товушлар муайян такрорланган бирикмалар ҳам кўп ўринда учрайди ва ушбу ўринларда асарнинг енгил ўқилишини таъмин этади, асарда учровчи ушбу товушлар

уйғунлиги натижасида нутқ бир маромда ижро этилади. Майинлик ҳам, хушоҳанглик ҳам уйғунликдан пайдо бўлади [3].

Атоқли адибимиз Ўткир Ҳошимов романда шева унсурларидан, миллий маданиятимизга хос бўлмаган, кўпол сўзлар, жаргонлардан ҳам ўринли фойдаланади, шу билан бир қаторда асар грамматик жиҳатдан мукамал яратилгани, шунингдек, адиб қаҳрамонларининг ортиқча ҳаяжонга берилиб кетмаслиги, аксарият ўринларда нутқининг равон, тасвирнинг бир маромда шакллантирилиши асарга вазмин бир рух бағишлайди ҳамда муаллифнинг ўзига хос услубга эга ижодкор эканидан далолат беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Arastu. Poetika. Axloqi kabir. Ritorika. – Toshkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2018.
2. Istamovna A.N. Shoir Erkin Vohidovning metaforalardan foydalanish mahorati //Сўз санъати халқаро журнали, 2020. – Т. 2. – №. 3.
3. Каримов С. Ўзбек тилининг тарихий фонетик стилистикаси. Монография. – Самарқанд: СамДУ, 2016. – 152 б.
4. Литературное обозрение, 1978. – № 1. – С.22
5. Навоий, Алишер. Асарлар, ўн беш томлик. Ўн тўртинчи том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт, 1967.
6. Қуронов Д. Адабиётшунослик луғати (Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 4038 б.
7. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – 168 б.